

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САТТОРОВ АСРОРЖОН АКРАМЖОНОВИЧ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУТГАН ЎРНИ

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент – 2021

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическом наук**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Сатторов Асроржон Акрамжонович

Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг

тутган ўрни..... 3

Сатторов Асроржон Акрамжонович

Р

5

Sattorov Asrordjon Akramdjonovich

U

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

50

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САТТОРОВ АСРОРЖОН АКРАМЖОНОВИЧ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУТГАН ЎРНИ

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.Phd/Ss76 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тўйчиев Бердукул Тўрақулович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Идиоров Улуғбек Юнусович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Каримов Фарход Эркинович
сиёсий фанлар доктори (Ds), доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.Ss.01.08.рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» 4 июль куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети, 5-қават, 511-хона). Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (49 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 227-02-24, факс (99871) 246-02-04.

Диссертация автореферати 2021 йил «02» 07 куни тарқатилди.
(2021 йил «02» 07 даги 20 рақамли реестр баённомаси).



Ш.И.Пахруғдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёс. ф. д., профессор

К.М.Мирзааҳмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф. д. (PhD)

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, сиёс. ф. д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кечаётган геосиёсий трансформация жараёнлари дунё давлатларида хавфсизликни таъминлаш масаласига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Манфаатлар тўқнашувининг мураккаб ва зиддиятли жараёнида давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан хавфсиз маконни яратишга бўлган интилиши тобора жадаллашмоқда. Ушбу жараёнда айнан Марказий Осиё давлатларида ҳам хавфсизликни таъминлашнинг барқарор стратегиясини ишлаб чиқиш, интеграциялашган ташқи сиёсат ислохотларини чуқурлаштириш тақозо этилмоқда. Геосиёсий барқарорликнинг муҳим жиҳатлари сифатида кучлар мувозанати, манфаатлар умумийлигига қаратилган “хавфсиз минтақа” тамойилини шакллантириш, давлатлараро ҳамкорлик босқичларининг ўзаро таъсири, стратегик шерикликнинг узоқ муддатларга мўлжалланган манфаатли конструктив ва кўп томонлама прагматик йўналишларини ишлаб чиқиш долзарблашиб бормоқда.

Дунёда ўзининг сиёсий, иқтисодий, куч ресурслари орқали йирик давлатларнинг мутлақ манфаатлар устуворлигига эътибор қаратиши геосиёсий маконда кучлар мувозанатининг издан чиқишига, беқарор ва хавфли таҳдидларнинг юзага келишига олиб келмоқда. Ташқи сиёсий трансформациялашув жараёнида барча янги мустақил давлатларнинг жумладан, Марказий Осиё давлатларининг ҳам ташқи иқтисодий, сиёсий, ўзаро манфаатли конструктив алоқаларни хавфсиз йўлга қўйиши долзарблашиб бормоқда. Минтақа давлатларининг хавфсизликни таъминлашдаги ўзига хос миллий ва минтақавий моделларини қарор топтириши, минтақавий сиёсий интеграция тажрибаларини ўрганиш нафақат, минтақавий хавфсизлик, балки миллий хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим сиёсий субъектга айланиб бормоқда. “Шу боисдан Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир”¹ дейилган эътирофда ҳам буни англашимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё давлатларида миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик тизимини барпо этишнинг сиёсий, тарихий, ғоявий-мафкуравий негизлари, минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ташаббуси ва унинг ўрни, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ва янги босқичини илмий тадқиқ этиш, минтақада барқарор

¹ Ш.М.Мирзиёев Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд . – Т.: Ўзбекистон. 2018. – Б.248.

хавфсизлик муҳитини яратишдаги саъй-ҳаракатларнинг устувор жиҳатларини қиёсий таҳлил этиш, хавфсизликни таъминлаш жараёнларининг ривожланиш босқичларини Ўзбекистон миллий манфаатлари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Мазкур диссертация тадқиқоти натижалари БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” тўғрисидаги махсус резолюция², Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон ”Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамияти, маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиёдаги хавфсизлик муаммолари, уларни бартараф этиш йўллари, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги Ўзбекистоннинг ўрнига доир тадқиқотларга, аввало, мамлакатимизнинг бу борадаги сиёсатига янги босқични олиб кирган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистонни изчил ва барқарор ривожлантиришга доир ғоялари киради ва ушбу ғоялар мазкур диссертацияга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилган³.

Мамлакатимизда ушбу мавзуга оид олиб борилган бир қатор тадқиқотларни санаб ўтиш мумкин. Р.Алимов, С.Сафоев, С.Саидолимов, Ф.Толипов, Ш.Арифханов, И.Бобоқулов, С.Жўраев, Ч.Кучаров, Ш.Пахрутдинов, Б.Тўйчиев, А.Қодиров, М.Шарипов, Ш.Хайдаралиев, А.Иброҳимова, А.Комилжонов каби олимларнинг тадқиқотларида минтақада

² Мазкур резолюция лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ва Бош Ассамблеянинг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида қабул қилинган. Резолюция БМТга аъзо 50 дан ортиқ давлатлар ҳаммуаллифлигида қабул қилинган. Унда таълим, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик ва дўстликнинг олға сурилиши муҳим роль ўйнаши таъкидланган. Дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бағрикенглик ва ўзаро тушунишнинг муҳимлиги тан олинади.

³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга кураамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.; Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққий йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017.; Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018.; Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2020.

хавфсизликни таъминлаш масалалари ва муаммолари, манфаатлар умумийлиги, Марказий Осиёда трансформация шароитида Ўзбекистон стратегияси, минтақадаги хавфсизлик ва ҳамкорлик жараёнлари муаммоларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган⁴. Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мавзусига оид О.Сирожовнинг “Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари” мавзусидаги докторлик диссертациясида минтақада Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан ҳамкорлик жараёнларида ўз манфаатлари юзасидан олиб бораётган сиёсати кенг ёритиб ўтилади⁵. Минтақадаги хавфсизлик масалалари ва бу борадаги Ўзбекистон сиёсати ушбу ишда геосиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан ёритилган. Шунингдек, М.Назиров⁶ томонидан Марказий Осиё давлатларида юз берган кўп қиррали сиёсий жараёнлар, уларнинг ривожланиш босқичлари ва эволюциясидаги ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон миллий манфаатларидан келиб чиқиб тадқиқ қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Хорижлик олимлар томонидан Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари ўзига хос сиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан ўрганилган. М.Абишева, Т.Шаймергенов, Т.Бордачев, Э.Смолл, Ван Цинсун, Д.Попов, С.Притчин, З.Дадабаева, Е.Кузьмина, Ю.Румер, Р.Сокольский, П.Стронский, С.Кушкумбаева, З.Шаукенова, Т.Ибраимова ва бошқа шу каби олимлар томонидан Марказий Осиё республикаларининг геосиёсий муҳити, ички ва ташқи сиёсий муаммолари, Россия ва Хитой, АҚШ ва Европа Иттифоқи, Япония ва Жанубий Корея, Эрон ва Туркиянинг геосиёсий манфаатлари билан боғлиқ жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинган⁷.

АҚШ ва европалик олимлар З.Бжезинский, Ф.Фукуяма, С.Хантингтон, М.Олкотт, Х.Малик, Ж.Манкоф, И.Сафранчук каби олимларнинг Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш борасидаги илмий мулоҳазалари ҳам алоҳида аҳамиятга эга⁸. Лекин Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон олиб бораётган сиёсатнинг ўзига хос жиҳатлари яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида амалга оширилган ПЗ-20170928696 - сон “Ўзбекистонда ислохотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг

⁴ Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

⁵ Сирожов О.О. Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари. с.ф.д. (DSc) дисс. автореферати. – Т.: ТКТИ. 2018.

⁶ Назиров М.М. Марказий Осиё давлатларидаги сиёсий жараёнлар эволюциясининг ўзига хос хусусиятлари. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Т.: ЎзМУ. 2020.

⁷ Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

⁸ Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

концептуал-фалсафий методологияси (Ҳаракатлар стратегияси асосида)» мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги янгиланган сиёсий ташаббусларнинг аҳамиятини, шунингдек, минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг тутган ўрнини илмий жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш сиёсатидаги умумийлик ва хусусийликни илмий асослаш;

хорижий ва маҳаллий олимлар олиб борган тадқиқотлар асосида минтақада хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг ривожланиш эволюциясини объектив ёритиш;

ривожланган Шарқ ва Ғарб давлатлари олимлари томонидан Марказий Осиё давлатлари ва Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик стратегияси ўрганилишини қиёсий-танқидий нуқтаи назардан тадқиқ этиш;

халқаро ташкилотлар томонидан Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашдаги Ўзбекистоннинг ўрни ва ташаббуси баҳоланишининг истиқболли имкониятларини ишлаб чиқиш;

Марказий Осиёда минтақавий низоларни бартараф этиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш жараёнида Ўзбекистоннинг потенциал имкониятларини асослаб бериш;

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда трансмиллий ва трансчегаравий таҳдидларни ҳал этиш сиёсатининг технологик ва стратегик омилларини аниқлаш;

Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги сиёсатини белгиловчи асосий тамойиллар янгилинишини илмий-амалий жиҳатдан ёритиш;

Марказий Осиёда барқарор иқтисодиёт ва миллий хавфсизликни таъминлашда минтақавий ҳамкорликнинг ўрнини асослаб бериш;

Марказий Осиё давлатларининг халқаро даражадаги сиёсий мавқеини мустаҳкамлашда Ўзбекистон ташаббусларидан конструктив фойдаланиш заруратига доир илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсатига доир ислоҳотлар ва бу борадаги масалалар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик муаммоларини бартараф этиш сиёсати ва хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотлар доирасидаги ташаббуслари, минтақада хавфсизликни таъминлашдаги позицияси ҳамда хавфсизликни таъминлашдаги сиёсатининг трансформациялашувидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқотда анализ ва синтез, тарихийлик,

мантикийлик, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш ва тизимли-хронологик таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимининг интеграцион ҳолатини сақлаб қолиш, кучлар мувозанати манфаатлар умумийлигига қаратилган “хавфсизлик макони”ни шакллантириш зарурлиги илмий асосланган;

Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсий фаолиятида “минтақавий хавфсизлик”, “минтақавий интеграция”, “минтақавий ҳамкорлик” йўналишларини ривожлантиришга қаратилган позитив, эволюцион, баҳолаш, жорий этиш, амал қилиш мақомлари аниқланган;

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлат раҳбарлари маслаҳат кенгашида илгари сурилган минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш, дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган ва чегаралар делимитацияси, демаркациясини амалга оширишнинг аҳамияти ҳамда превентив дипломатия борасидаги ташаббуслари очиб берилган;

Марказий Осиё минтақасида ички ва ташқи таҳдидларнинг трансчегаравий ва трансмиллий характерга эгаллиги, унга қарши курашиш бўйича давлатлараро ҳамкорлик босқичларининг ўзаро таъсири, стратегик шерикликнинг регионал ва кўп қиррали ҳамкорликнинг манфаатли конструктив йўналишлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик муаммоларини бартараф этиш сиёсатини турли даражаларда назарий ва амалий тадқиқ этишга доир ёндашув ва услубларни уйғунлаштирган ҳолда минтақавий низоларни бартараф этишда юқори самарадорликка эришиш бўйича хулосалар ишлаб чиқилган;

Марказий Осиёда трансмиллий ва трансчегаравий таҳдидларни ҳал этиш, минтақа давлатлари ўртасидаги чегаралар делимитацияси ва демаркацияси борасида янги сиёсий келишувларнинг стратегик мақсад ва вазифалари билан боғлиқ янги маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарор иқтисодиёт ва миллий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ҳамда минтақа давлатларининг халқаро даражадаги сиёсий мавқеини мустаҳкамлашдаги ташаббусларини ёритиш юзасидан муҳим илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда сиёсатшунослик фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, бирламчи асосий манбаларга асосланганлиги, кўп турдаги илмий адабиётлар ва даврий матбуот материалларидан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалардан Марказий Осиёдаги

минтақавий хавфсизлик масалаларида Ўзбекистон манфаатларини сиёсий тадқиқ этиш асосида минтақадаги хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсат асосларини, ушбу йўналишдаги назарий-илмий ва назарий-фундаментал тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсати ва бу борадаги ислохотларга бағишланган мақсадли давлат дастурларининг бажарилиши ва такомиллаштирилишида муҳим манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг тутган ўрнининг илмий асослари ва ривожланиш истиқболлари бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий-сиёсий хулосалар асосида:

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимининг интеграцион ҳолатини сақлаб қолиш, кучлар мувозанати манфаатлар умумийлигига қаратилган “хавфсизлик макони”ни шакллантириш зарурлиги илмий асосланганлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чоп этишга тавсия этилган “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” номли дарсликдаги “Мафкуравий тажовуз ва ахборот хавфсизлиги” номли бобни тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 01 март кунидаги 110-сон буйруғи, нашр рухсатномаси № 110-044). Мазкур хулосалар Марказий Осиёдаги хавфсизлик субъектларининг умумий манфаатларига асосланган юқори даражада интеграцияланган хавфсизлик маконини шакллантириш зарурлигини илмий жиҳатдан асослашга хизмат қилган;

Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсий фаолиятида “минтақавий хавфсизлик”, “минтақавий интеграция”, “минтақавий ҳамкорлик” йўналишларини ривожлантиришга қаратилган позитив, эволюцион, баҳолаш, жорий этиш, амал қилиш мақомлари аниқланганига доир хулосалар ва маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чоп этишга тавсия этилган “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” дарслигининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг янги босқичи” номли бобини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 7 июлдаги 89-06-694-сон маълумотномаси). Илмий хулосалар ва амалий таклифлар “минтақавий хавфсизлик”, “минтақавий интеграция”, “минтақавий ҳамкорлик” каби йўналишларнинг минтақада давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш механизми сифатидаги позитив, эволюцион, баҳолаш, жорий этиш, амал қилиш мақомларига эгаллиги асослаган ва “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” дарслигининг назарий-методологик жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилган.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлат раҳбарлари маслаҳат кенгашида илгари сурилган минтақавий ҳамкорликни ҳар томонлама чуқурлаштириш, дўстлик, яхши кўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган ва чегаралар делимитацияси, демаркациясини амалга оширишнинг аҳамияти ҳамда превентив дипломатия борасидаги ташаббуслари очиб берилишига доир хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказида “Жаҳолатга қарши маърифат” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда ҳамда 2020-2021 йилларда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишга фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 14 июндаги № 03/08-745-сон далолатномаси). Натижада мазкур таклиф ва тавсиялар минтақавий интеграция жараёнларини фаоллаштиришдаги Ўзбекистон ташаббусларидан фойдаланишнинг амалий аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаб берган ва ўқув қўлланманинг назарий-методологик жиҳатдан бойишига хизмат қилган;

Марказий Осиё минтақасида ички ва ташқи таҳдидларнинг трансчегаравий ва трансиллий характерга эгаллиги, унга қарши курашиш бўйича давлатлараро ҳамкорлик босқичларининг ўзаро таъсири, стратегик шерикликнинг узоқ муддатларга мўлжалланган конструктив ва прагматик йўналишлари очиб берилганлигига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чоп этишга тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” дарслигининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг янги босқичи” номли бобини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 7 июлдаги 89-06-694-сон маълумотномаси). Ушбу хулосалар дарсликнинг назарий жиҳатдан бойишига ва таълим сифатини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натажалари 10 та илмий-амалий конференция ва семинарларда, жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (7 та республика ва 1 та хорижий журналларда) мақола, 10 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида мақолалар чоп этилган. **Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Тадқиқот кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 161 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш сиёсатини ўрганишнинг назарий ва методологик асослари”** деб номланган. Ушбу бобда мавзуга доир тушунчаларнинг структуравий-функционал таҳлили, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг ривожланиш босқичлари ва Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик стратегиясининг халқаро экспертлар томонидан ўрганилиши илмий нуқтаи назардан очиб берилган.

Мавжуд ижтимоий-сиёсий воқеликни ўрганиш, дастлаб, уни назарий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади. Бу ушбу муаммо билан шуғулланаётганда хато ва камчиликларни олдини олиш учун зарур ҳисобланади. Амалиёт эса, унга тегишли ўзгартиришлар ва тузатишлар киритиш учун хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан “хавфсизлик” муаммосини тадқиқ этишда ҳам унга, энг аввало, назарий жиҳатдан ёндашиш зарур. Хавфсизлик кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли муаммо. Шу сабабли унинг тўлиқ мазмунини очиб берувчи ягона таъриф бугунги кунга қадар ҳам мавжуд эмас, чунки даврлар ўзгариб бориши билан хавфсизликнинг моҳияти ўзгаради, унга таҳдид солувчи янги кучлар пайдо бўлади. Умуман олганда, илмий адабиётларда “хавфсизлик” тушунчасига: “муайян бир субъектнинг таҳдиддан, зарар, зиён ва ёвузликдан ҳимоя қилинганлик ҳолати ва ҳимояланиш меъёри”⁹ деб таъриф берилади. “Хавфсизлик” тушунчасига берилган кўп сонли таърифларнинг барчасини мазкур ҳолатнинг аниқ белгиларини таҳлил қилиш воситасида етказиб беришга интилиш бирлаштириб туради.

Жаҳонда минтақавий хавфсизлик масалаласида бир қатор муҳим тадқиқотлар олиб борилган. Минтақавий хавфсизлик соҳасида тадқиқотлар олиб борган россиялик олим В.Петровский томонидан хавфсизлик ва минтақавий хавфсизлик масалалари ўрганилган ва “хавфсизлик” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Хавфсизлик объектнинг унга нисбатан ҳеч қандай хатар, яъни хусусиятларнинг ёмон томонга ўзгариши мавжуд бўлмаган ҳолати ёки вазиятидир”¹⁰. Шу боисдан ҳам бугунги кунда хавфсизлик муаммоси миллий чегара доирасидан чиқиб, глобал характер касб этди. Бир давлат қудратли ҳарбий салоҳияти билан ўзининг хавфсизлигини таъминлаш орқали муайян натижага эриша олмай қолди. Бугунги кунда давлат, минтақа

⁹ Ғафуров С.М. Форс кўрфази араб давлатлари ва Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва умумжаҳон хавфсизлигини таъминлашдаги мавқеи. Сиёсий фанлар док. дисс. автореферати. – Т.: ТошДШИ, 2002. – Б. 70

¹⁰ Петровский В. Новая философия безопасности. – М.: Международные отношения. Дипломатический ежегодник. 1990. – С. 11-19.

ва глобал хавфсизликни таъминлаш концепциясини тўғри англашгина тўла маънодаги хавфсизликка эриштириши мумкин. Бу ҳақида ЕХҲТ иштирокчилари томонидан 1975 йил 1 августдаги якунловчи ҳужжатнинг 5-моддасида шундай сўзлар ёзилган: "...вазиятни хавфсизликни сақлашни таҳдид остига кўядиган даражада ёмонлаштириш мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан сақлаш". Мазкур меъёрий ҳужжатда "хавфсизлик" тушунчаси халқаро муносабатларнинг миллий ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ муайян сақлаб турилган ҳолати сифатида тушунилади¹¹.

Минтақавий хавфсизлик масалалари ҳамда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг назарий–методологик асосларини шакллантиришда юртимизда ушбу масалаларни мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб тадқиқ этган мутахассисларнинг илмий ишларида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу тадқиқот ишларида илгари сурилган ғоялар ва таклифлар Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш ва соҳадаги трансформацияни ўрганишнинг назарий методологик асослари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Марказий Осиё минтақаси ҳудуди бир неча асрлар давомида иқтисодий тараққий этган мамлакатлар ташкил топган минтақа бўлиб келган. Тарихан қулай минтақа ҳисобланган ушбу континентда қудратли ўзбек давлатчилиги бир неча аср давом этган. Минтақанинг марказий қисми ҳар томонлама қулай географик ҳудудда жойлашганлиги ва табиий минерал хом ашёларга бойлиги билан ҳар доим рақобат майдони бўлган.

Бугунги кунда мустақил давлатлар мавжуд бўлган ушбу минтақада Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ўз ўрнига эга. Минтақа хавфсизлигига таҳдид солиниши мумкин бўлган халқаро террористик ташкилотлар ва экстремистик ҳаракатларга қарши кенг миқёсда қарши курашиб келаётган ва бутун дунё ҳамжамиятини шунга ундаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Минтақанинг оғир нуқтаси ҳисобланган афғон муаммоси Марказий Осиё мамлакатларининг ҳар бирига хавфсизлик нуқтаи назаридан таҳдид солувчи муаммо ҳисобланади.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов давлат раҳбарлигига келган кунлариданоқ ўз ташаббусларини илгари сурган эди. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1993 йил 23 сентябрда бўлиб ўтган 48 сессиясида минтақавий хавфсизлик борасида аниқ таклифларни билдирган эди. Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишлайдиган семинарини чақириш, БМТ Хавфсизлик Кенгашида юзага келаётган можароларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш бўйича махсус гуруҳ тузиш, Марказий Осиёни ядро қуролларидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ва бу ҳудудда кимёвий модда ҳамда бактериологик қуролларни тақиқлаш бўйича халқаро назорат ўрнатиш, Марказий Осиёда нарқобизнесга қарши ҳамкорликда курашиш учун БМТнинг минтақавий комиссиясини

¹¹ Раҳмонов А.Р. Проблемы безопасности: на национальном, региональном и глобальном уровнях. (международные-правовые аспекты). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 57.

тузиш, Орол муаммосини ҳал қилиш масалаласи бўйича БМТнинг махсус комиссиясини тузиш¹² каби муҳим ташаббусларни илгари сурилган эди. Бундан ташқари, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов БМТ доирасида 1995 йилда ташкилотнинг 50 йиллиги саммитида ҳам асосий эътиборни ташкилотнинг таркибий фаолиятини янада кенгайтириш билан бирга, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, экстремизм, терроризм, наркобизнесга минтақа ва жаҳон миқёсида қарши курашиш масалаларига эътибор қаратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24 январда Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқида ҳам Марказий Осиё миллатлари бир неча минг йиллар мобайнида бир ўлкада яшаб келганлиги, тили, дини, суви бир бўлган халқлар ўзаро ишонч ва мустаҳкам ҳамкорликда яшашини яна бир бор таъкидлаб ўтган эди. Хусусан, Президентимиз бу борада: “Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доим хос ва унинг менталитети асосини ташкил этади¹³” деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда халқаро ташкилотнинг ҳиссаси беқиёс бўлмоқда. 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари БМТ шафелигида Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуида халқаро конференция ўтказилган эди. Ушбу йирик анжуманда бугунги кунда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида йиғилиб қолган муҳим ечилиши зарур бўлган муаммолар муҳокама қилинди. Анжуманда ўз маърузаси билан иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев келажакда минтақани иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланган ҳудудга айлантириш борасида муҳим ташаббусларни илгари сурди. Президентимиз минтақада бугунги кунда кузатилаётган хавфсизлик муаммоларига тўхталар экан, Евроосиёнинг “юраги”да жойлашган минтақамиз Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк бўлиб, Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан чегарадош эканлиги ва минтақамиз табиий ресурсларга бой, бу ерда кўплаб мамлакатлар ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, минтақада қудратли давлатларнинг манфаатлари кесишаётгани, беқарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ бўлган ушбу минтақа яқин ва узоқ хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этаётгани билдирган эди¹⁴.

¹² Abduhalikov S., Yunusova X.E., Naydarov A., Yermetov A va boshqalar. O‘zbekistob tarixi, Darslik. – T.: Complex print. 2018. – B. 437.

¹³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тарақиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б. 297.

¹⁴ Мирзиёев Ш.М. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон. – Б.264.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик муаммоларига яна бир бор тўхталиб ўтди. Бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида туб ўзгаришлар юз бераётганлиги, минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳити яратилгани таъкидланди. Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари умумий ютуқ ҳисобланишини таъкидлаб, охириги тўрт йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан савдо ҳажми салкам беш баробарга ўсганлиги ҳам айтиб ўтилди. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу сессияда минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт йўлакларига чуқур интеграцияни таъминлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифини илгари сурди. Шу билан, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш соҳасида БМТнинг Глобал антитеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилаётганлигини таъкидлаб, ушбу стратегия доирасида Минтақавий қўшма режанинг ўн йиллик натижалари ва келгуси истиқболларга бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш таклифи билдирилди¹⁵. Ушбу муҳим таклифлар минтақада хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим масала бўлиб турган асосий мақсадлардан бири бу йирик ташкилот – Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлиб кириш масаласи ҳисобланади.

Ушбу муҳим масала хусусида Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳам тўхталиб ўтган эди:

“Очиқ бозор – маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш занжирларига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим¹⁶”.

Ушбу талабларни бажариш учун, албатта, рақобатбардош иқтисодиёт ва саноат зарур бўлади. Жаҳон бозорига интилиш асносида рақобатбардош бозор иқтисодиётига эга бўлиш энг муҳим жиҳат ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ўзаро минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик борасида минтақа давлатлари кўплаб тўсиқ ва қийинчиликларга дуч келмоқда. Айни пайтда, кузатилганидек, ҳеч бир мамлакат қанчалик кучли бўлмасин, ёлғиз кураша олмайдиган умумий ташқи таҳдид ва муаммоларнинг мавжудлиги минтақа давлатлари ўртасида бу соҳадаги ҳамкорликнинг фойдасига далил ҳисобланади. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм хавфига қарши курашишда минтақавий ва коллектив

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи. 2020 йил 24 сентябрь. № 202.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 йил 24 январь. №18.

ташкilotлар муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашда минтақавий ҳамкорлик борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистоннинг бугунги минтақавий сиёсати қўшни давлатлар билан кенг миқёсда ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон ташаббусларининг сиёсий институтцинал хусусиятлари”** деб номланган бўлиб, унда халқаро ташкilotлар томонидан Марказий Осиё хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ташаббусининг баҳоланиши, Марказий Осиёда минтақавий низоларни бартараф этиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш жараёнида Ўзбекистоннинг потенциал имкониятлари ва Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда трансмиллий ва трансчегаравий таҳдидларни ҳал этиш сиёсатининг технологик ва стратегик омиллари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Шанхай ҳамкорлик ташкilotи доирасида ҳам муҳим таъсисчи мамлакатлардан бири бўлиб келмоқда. Ташкilotнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги муҳим саммити 2003 йил 28-29 май кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган эди. Ушбу саммитда иштирок этган мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислон Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкilotи доирасида унинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши биргаликда кураш олиб бориш вазифасидан келиб чиқиб, терроризмга қарши курашда ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳрида “Минтақавий аксилтеррор” тузилма ташкilot этиш ташаббусини илгари сурди. 2004 йил январь ойида ушбу ташаббуснинг ижроси сифатида Тошкент шаҳрида “Минтақавий аксилтеррор тузилма” ташкilot этилди.

Бугунги кунда ҳам минтақанинг тараққиёти ва хавфсизлигига таҳдид солувчи бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, минтақанинг бирор-бир давлати яқка ўзи бу муаммоларни бартараф эта олмайди. Минтақадаги хавфсизликка таҳдидларнинг мавжуд ва потенциал манбалари ташқи ва ички сабабларга боғлиқ ҳисобланади. Ташқи омиллар, фикримизча, қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- “уч йирик халқаро хавф”нинг минтақага тарқалиши: халқаро терроризм, диний экстремизм ва этник сепаратизм;

- минтақа чегараларига яқин жойдаги (Афғонистон, Ироқ, Ҳиндистон-Покистон можароси, Каспий муаммоси) мавжуд беқарорлик ва хавфнинг потенциали мавжудлиги;

- глобаллашув билан боғлиқ минтақадаги айрим мамлакатларнинг ички инқирозларга юз тутиши;

- кенг тарқалиши кутиладиган “катта ўйин”да асосий геосиёсий ўйинчиларнинг хатти-ҳаракати ва улар муносабатларининг табиати (“Янги Ипак йўли” мега лойиҳаси бўйича мамлакатларнинг турли қарашлари);

- гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва кулол-яроғ

контрабандаси;

- минтақа худудида хорижий давлатлар ҳарбий базаларининг мавжудлиги;

- халқаро муаммоларнинг фаоллашуви. “Буюк кучлар” деб номланувчи АҚШ, Россия ва Хитой каби давлатларнинг минтақадаги манфаатлари;

- мусулмон дунёсидаги қарама-қаршиликлар, хусусан, исломнинг турли оқимлари ўртасидаги муносабатларнинг кучайиши: ваҳҳобийлик, салафизм, ҳанафийлик ва бошқалар;

- радикал исломчиларни фаоллаштириш (“Ал-қоида”, “ТИХ”, ”Ҳизб ут-таҳрир”, ”Шарқий Туркистон мустақиллиги учун ҳаракат” ва бошқалар) ва уларнинг афғон – Марказий Осиё чегараларида тўпланиши;

- Афғонистондан коалиция кўшинларини олиб чиқиб кетгандан сўнг “Толибон” ҳаракати қайта тикланиши мумкинлиги¹⁷ каби жиддий муаммолар.

Шу билан биргаликда ички омиллар орасида бир қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммолар қайд этилиши мумкин:

- ички ва миллатлараро қарама-қаршиликлар; минтақа ва давлатлардаги сиёсий беқарорликни вақти-вақти билан кузатиб турилганлиги;

- давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида давом этаётган инқироз тенденциялари;

- худудий низолар ва чегара муаммолари;

- трансмиллий уюшган жинойтчиликнинг мавжудлиги;

- ноқонуний миграция, энергия ресурслари тузилмасидаги фарқлар ва сувдан фойдаланиш муаммолари;

- ноанъанавий табиатнинг экологик таҳдидлари (ядро қуролларини ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш, иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг таназзулга учраши ва бошқалар) ва бошқалар шулар жумласидан.

Ўзбекистон терроризмга қарши қаратилган кўплаб халқаро шартномаларни ратификация қилиб, улардаги мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Шу билан бирга, ушбу масалаларда ўзининг ташаббусларини илгари сураётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида экстремизм ва терроризмнинг маънавий ва моддий асосига қарши курашда муҳим ҳисобланган “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюцияси қабул қилинди. Резолюциянинг асосий мақсади – барча учун таълим олиш имкониятини тақдим этиш, саводсизлик ва билимсизликни бартараф этишдан иборат.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини эътироф этар экан, бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жинойтчилик ва наркотрафик

¹⁷ Искандаров А. Безопасность и интеграция в Центральной Азии: роль ОДКБ и ШОС. // Центральная Азия и Кавказ 2001, № 1 (13). – С. 3.

тахдидларга дуч келаётгани, ушбу тахдидларга қарши самарали курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкинлигига эътибор қаратди¹⁸. Ушбу халқаро анжуманда Президентимиз: “Хавфсизликка тахдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш, “яхлит хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш зарур, деган қатъий фикрдамиз¹⁹,” деб таъкидлади. Марказий Осиё минтақаси давлатларининг ҳар бирини мавжуд хавфсизликка тахдид солувчи муаммолар Ўзбекистоннинг ҳам муаммоси саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида бу масалага ҳам жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб: “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритар эканмиз, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалани четлаб ўтолмаймиз. Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ. Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё хавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди²⁰,” дея алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясида фаол иштирок этиб, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғоришнинг тежамкор технологияларини кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хуллас, Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш сиёсати кўп томонлама ҳамкорликка асосланади. Шу боисдан ҳам бу ҳудудда минтақавий хавфсизликни таъминлаш учун, аввало, зарур иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларни яратиш зарур. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларида янги сиёсий тартибнинг юзага келиши жараёни давом этмоқда ва янги стратегик ҳамкорликни таъминлаш бўйича муҳим келишувларга эришилмоқда. Бироқ, Марказий Осиё баъзи гегемон давлатларнинг сиёсий таъсир ўтказиш объектига айланиши эҳтимоли катта. Бу эса ўз навбатида давлат раҳбарларининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда эҳтиёткорлик билан оқилона иш тутишларини талаб этади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистоннинг сиёсий позицияси: муаммо ва вазифалар”** деб номланган. Унда Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш сиёсатини белгиловчи асосий тамойилларнинг

¹⁸ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон. – Б. 269.

¹⁹ Ўша жой.

²⁰ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон. – Б. 250.

янгилаши, Марказий Осиёда барқарор иқтисодиёт ва миллий хавфсизликни таъминлашда минтақавий ҳамкорликнинг ўрни ҳамда Марказий Осиё давлатларининг халқаро даражадаги сиёсий мавқеини мустаҳкамлашда Ўзбекистон ташаббусларидан конструктив фойдаланиш зарурати таҳлил қилинган.

Ҳозирги даврда Марказий Осиё баъзи ривожланган давлатларнинг муҳим геостратегик аҳамият касб этган, улкан табиий ресурслар, юқори транзит-транспорт потенциалига эга манфаатлар ва мақсадлар кесишуви маконига айланиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, геосиёсий воқеликда Ғарб ва Хитойнинг бу давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш борасидаги сиёсий стратегик мақсадлари ва ёндашувлари конструктив характерга эга. Чунки Марказий Осиё давлатлари ҳозирда Россия таъсири доирасидаги холи ҳудудга айланиб бўлди. Бироқ келажакда бошқа глобал ўйин вакиллари бу минтақани қайта тузиш бўйича ўзининг манфаатларини кўзлаб, стратегик режалар тузиши мумкинлигини инкор қилиб бўлмайди. Бу эса, айти пайтда, геосиёсий макондаги роли ўзгараётган минтақа устидан назоратни қўлга олишга бўлган интилишлардан ҳар бир сиёсий етакчидан ўз давлатини келажакни ўйлаган ҳолда сергак тортиб, фаол ҳаракат қилишини талаб этмоқда.

